

**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ
ТАҲЛИЛИ**

UZBEKISTAN LAW REVIEW

**ОБЗОР ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА
УЗБЕКИСТАНА**

ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИЙ ЖУРНАЛ	SCIENTIFIC ANALYTICAL JOURNAL	НАУЧНО АНАЛИТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
--------------------------------------	--	--

**2024
№4**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

БОШ МУҲАРРИР:

Гулямов Саид Саидахарович – юридик
фанлари доктори, профессор.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

Рустамбеков Исламбек Рустамбекович – ю.ф.д.,
профессор.

Ҳўжаев Шохжаҳон Акмалжон ўғли – юридик
фанлар бўйича фалсафа доктори.

Оқюлов Омонбой – ю.ф.д., профессор.

Эргашев Восит Ёкубович – ю.ф.н., профессор.

Махкамов Отабек Мухтарович – ю.ф.д.

Суюнова Дилбар Жолдасбаевна – ю.ф.д., доц.

Мусаев Бекзод Турсунбоевич – ю.ф.д., доц.

Беков Ихтиёр – ю.ф.д., проф.

Бозоров Сардор Сохибжонович – ю.ф.д., проф.
в.б.

Хазратқулов Одилбек Турсунович – юридик
фанлари номзоди, доцент.

Самарходжаев Ботир Билялович – ю.ф.д.,
профессор.

Ходжаев Бахшилло Камалович – ю.ф.д.,
профессор.

Нарзиев Отабек Саъдиевич – ю.ф.д., проф. в.б.

Жолдасова Шахноза Батировна – юридик
фанлар бўйича фалсафа доктори.

Маълумот олиш учун қуйидагиларга мурожаат этиш
сўралади:

Гулямов Саид Саидахарович,
Рустамбеков Исламбек Рустамбекович
ТДЮУ, Халқаро хусусий ҳуқуқ кафедраси,
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047,
Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел: 233-66-36

"Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили"нинг электрон
нужаси Интернетдаги www.library-tsul.uz ёки
www.lawreview.uz сайтида жойлаштирилган.

Журнал 2013 йилдан Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг Олий Аттестация
комиссияси журналлари рўйхатида киритилган.

Ушбу журналда баён этилган натижалар, хулосалар,
талқинлар уларнинг муаллифларига тегишли бўлиб,
Ўзбекистон Республикаси ёки Тошкент давлат юридик
университети сиёсати ёки фикрини акс эттирмайди.
2024 йилда нашр этилди.

Муаллифлик ҳуқуқлари Тошкент давлат юридик
университетига тегишли. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган.
Журнал материалларидан фойдаланиш, тарқатиш ва
қўлайтириш Тошкент давлат юридик университети рухсати
билан амалга оширилади. Ушбу масалалар бўйича Тошкент
давлат юридик университетига мурожаат этилади.
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилгоҳ
кўчаси, 35.

ISSN 2181-8118

Масъул котиб: **И. Рустамбеков**
Нашриёт муҳаррири: **Н. Ниязова**

Техник муҳаррир: **Д. Козимов**
Лицензия № 02-0074

Босишга рухсат этилди – 25.12.2024

Нашриёт ҳисоб табоғи – 5

«IMPRESS MEDIA» босмахонасида босилди
Адади – 100 нусха.

ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ
ЖУРНАЛ

4/2024

МУНДАРИЖА

МУНДАРИЖА	
Ш.Туйчиева Теоретические основания и критический анализ подхода к урегулированию инвестиционных споров в контексте статьи 63 Закона Республики Узбекистан «Об инвестициях и инвестиционной деятельности»	3
У.Шарахметова Укрепление в семье личных и имущественных прав обязанностей супругов на основе принципа равенства	7
Ж.Тўраев Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя қилиниши бўйича давлат назорати ва текширувининг назарий ва амалий аҳами- яти.....	11
Д. Имомова Определение применимого права для внешнеэкономических сделок в усло- виях цифрового пространства	15
Х.Шарипова Правовое регулирование облачных технологий в контексте международного сотрудничества.....	17
I.Abdikhakimov Quantum computing and its impact on cybersecurity: redefining legal frameworks for a post-quantum era.....	20
I. Rahmatulloyev Prokuratura organlarining fuqarolik huquq va burchlarini amalga oshirishdagi ishtiroki.....	24
S. Tatar, N. Dilboboev Means of international investment dispute resolution	28
Э.Инамджанова Особенности преподавания коллизионного права в современном образовательном процессе.....	32
J.Askarov Sun'iy intellekt yordamida sog'liqni saqlashni rivojlantirish: huquqiy takomillashtirish.....	46
T.Pulatov Digital Financial Assets as an Object of Civil Rights.....	50
Д.Имамалиева Развитие механизмов альтернативного разрешения споров на международной и национальной арене.....	57
SH.Almosova Xalqaro shartnomalar ijrosini ta'minlash usullari va vositalari tahlili	62
A.Akramov A comparative analysis of international legal norms regarding the inheritance of digital property.....	69
E.Asadov Davlat moliyaviy nazoratida moliyaviy javobgarlik va uning yuridik tabiati.....	77
D.Abdullaeva The system of international control over the observance of human rights at work.....	88
М. Турдалиев Определение и сущность искусственного интеллекта (ии) в контексте международной торгов- ли.....	93
О.Хазратқулов Рақамли активлар билан боғлиқ муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш масаласида хорижий мамлакатлар тажрибаси	102
Б.Акмалхонов Механизмы защиты права собственности в международном праве.....	109
Sh.Alamonova Revisiting Public Services under GATS: A Legal Analysis of Commitments and State Discretion.....	114
Б.Саидов Проблемы гражданско-правового обеспечения кибербезопасности охраняемых объектов: договорные аспекты.....	118
Sh.Sotvoldiyev Xalqaro tijorat sudlari - nizolarni hal qilishning usuli sifatida	124
А.Вахабов Халқаро хусусий ҳуқуқда – lex voluntatis тамойили	126

Вахабов Азизбек Абдирашидович
Самарқанд вилояти, Оқдарё туман
прокурори, мустақил тадқиқотчи

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚДА – LEX VOLUNTATIS ТАМОЙИЛИ

Аннотация. Мақолада халқаро хусусий ҳуқуқдаги эрк муҳторияти (lex voluntatis) тамойилининг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил этилган. Тадқиқот давомида мазкур тамойилнинг халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасидаги ўрни, унинг ривожланиш тенденциялари ва қўлланиш доирасининг кенгайиши масалалари ўрганилган. Европа Иттифоқи ва бошқа давлатлар қонунчилигида эрк муҳторияти тамойилининг ифодаланиши, унинг шартномавий ва шартномадан ташқари муносабатларга татбиқ этилиши таҳлил қилинган. Мақолада истеъмолчилар, ходимлар каби кучсиз томонлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан эрк муҳторияти тамойилининг чекланиши масалалари кўриб чиқилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида мазкур тамойилнинг ифодаланиши ва уни такомиллаштириш истиқболлари ёритилган. Тадқиқот натижасида эрк муҳторияти тамойилининг халқаро хусусий ҳуқуқ ривожланишидаги аҳамияти ва унинг замонавий тенденциялари аниқланган.

Калит сўзлар: халқаро хусусий ҳуқуқ, эрк муҳторияти тамойили, lex voluntatis, ҳуқуқни танлаш

Abstract. The article analyzes the theoretical and practical aspects of the principle of party autonomy (lex voluntatis) in private international law. The research examines the role of this principle in private international law, its development trends, and the expansion of its scope of application. The implementation of the principle of party autonomy in the legislation of the European Union and other countries, its application to contractual and non-contractual relations are analyzed. The article considers the limitations of the principle of party autonomy from the perspective of protecting the rights of weaker parties, such as consumers and employees. Furthermore, the expression of this principle in the legislation of the Republic of Uzbekistan and prospects for its improvement are highlighted. The research reveals the significance of the principle of party autonomy in the development of private international law and its modern trends.

Keywords: private international law, principle of free will, lex voluntatis, choice of law

Аннотация. В статье анализируются теоретические и практические аспекты принципа автономии воли сторон (lex voluntatis) в международном частном праве. В исследовании рассматривается роль данного принципа в международном частном праве, тенденции его развития, расширение сферы его применения. Анализируется реализация принципа автономии воли сторон в законодательстве Европейского Союза и

других стран, его применение к договорным и внедоговорным отношениям. В статье рассматриваются ограничения принципа автономии воли сторон с точки зрения защиты прав более слабых сторон, таких как потребители и работники. Кроме того, освещается выражение данного принципа в законодательстве Республики Узбекистан и перспективы его совершенствования. В исследовании раскрывается значение принципа автономии воли сторон в развитии международного частного права и его современные тенденции.

Ключевые слова: международное частное право, принцип свободы воли, lex voluntatis, выбор права

Кириш

Замонавий халқаро хусусий ҳуқуқ назариясида коллизия нормалар ривожланиш жараёнида эрк муҳторияти тамойили асосий тамойилдан бири сифатида эътироф этилиши билан ҳам тавсифланади. Мазкур тамойилга кўра чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатлардан коллизия вазият вужудга келса, тарафлар қайси давлат қонунчилигини қўллашни ўзаро келишиб олишлари мумкин. Бунда тарафлар қонунчилигини эрк муҳторияти тамойиллари асосида ўз ихтиёрлари бўйича ҳуқуқ тизимини танлашлари ва шартнома мазмунини белгилаб олишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1189-моддасида юқоридаги тамойилнинг умумий қоидаларни кузатишимиз мумкин. Жумладан, мазкур моддада “шартнома, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тарафларнинг келишувига кўра танланган мамлакат ҳуқуқи билан тартибга солинади”.

А.А.Рубановнинг фикрича, жисмоний ёки юридик шахслар ҳуқуқни танлашни амалга ошириш орқали муайян ҳуқуқий масала бўйича муносабатга киришадилар. Бу ерда ижтимоий муносабатни ҳуқуқ тартибга солмайди, балки қонун чиқарувчининг ижозати билан муайян ижтимоий муносабат ҳуқуққа таъсир кўрсатади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки мазкур муносабат натижасида икки томонлама алоқа юзага келади. Бунинг натижасида эрк муҳторияти институти ҳуқуқнинг ўз моҳияти билан белгиланади.

Яқин вақтга “lex voluntatis” тамойилидан чет эл элементи билан мураккаблашган хусусий ҳуқуқий муносабатларнинг фақат бир гуруҳи – шартнома бўйича мажбуриятларни тартибга солиш учун фойдаланиш мумкин эди. Бироқ, томонларнинг эрк муҳторияти тамойилини қўллаш чегараси хусусидаги қизгин баҳс-мунозараларга қарамай, ҳозирги вақтда эрк муҳторияти тамойилини қўллаш доирасининг кенгайиши билан боғлиқ жараёнлар тобора фаоллашиб бормоқда. Шу жумладан мазкур тамойил халқаро хусусий ҳуқуқда қўлланилиши одатда рад этилган соҳалари ҳисобланган оила ва ворислик ҳуқуқида ҳам тарқалмоқда.

Бунинг исботи сифатида Европа парламенти ва Европа Иттифоқи Кенгашининг 2007 йил 11 июлдаги “Шартномадан ташқари мажбуриятларга нисбатан

қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ тўғрисида”ги 864/2007-сонли Регламенти мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур Регламентининг 14-моддасига мувофиқ, томонлар шартномадан ташқари мажбуриятга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқни зарар етказилишига сабаб бўлган воқеа содир бўлганидан кейин уларнинг ўртасида тузилган битимга ёки агар ҳуқуқий муносабатнинг барча томонлари тижорат фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, зарар кўрилишига сабаб бўлган воқеа содир бўлгунга қадар тузилган битимга биноан танлашлари мумкин.

Ҳозирги вақтда кенг тарқалган назарияга кўра коллизия нормалар халқаро хусусий ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи томонлар жиддий ўрин тутадиган энг қулай қарорларни ҳал қилишга қаратилган. Масалан, Европа Иттифоқи мамлакатларидаги суд қарорига асосан вазиятдан келиб чиқиб, никоҳни бекор қилиш ҳамда эр-хотиннинг алоҳида яшаш масаласини ҳал этишда эр ва хотиннинг манфаатларига кўпроқ мос келадиган ҳуқуқни мустақил равишда танлайди. Айни вақтда, ушбу ёндашув томонлар розилигига асосан қўлланиладиган ҳуқуқни танлашга зид келмайди. Европа Иттифоқи доирасидаги бундай танлов фуқароларнинг бир жойдан иккинчи жойга кўчиб ўтишини чекланмаган шароитда зарур бўлган аниқлик учун қулай имконият яратеди.

Эрк мухторияти тамойили субъектларининг манфаатларига қулай бўлган ва халқаро хусусий ҳуқуқнинг турли анъаналарини ўзида мужассамлаштириган ҳуқуқни аниқлаш имконини беради. Чет эл элементни билан мураккаблашган хусусий ҳуқуқий муносабатларни коллизия тартибга солиш соҳасида мавжуд бўшлиқлар ҳам қўлланиладиган ҳуқуқни белгилашда томонларнинг эрк мухториятини асосий тамойил сифатида тан олиш йўли билан тўлдирилиши мумкин.

Интеграция жараёнини давом эттириш имкониятлари томонларнинг эрк мухторияти тамойилининг қўллаш доирасини янада кенгайтириш афзаллик беради. Бунда эрк мухторияти тамойили халқаро ҳамжамият манфаатлари учун айниқса мослаштирилган қарорларни танлаш имконини беради. Эрк мухторияти тамойили воситасида субъектлар яшаётган давлатларининг турмуш тарзи ва анъаналарига риоя этган ҳолда фаолиятни олиб бораётган бўлса, башарти улар ўз юртида қабул қилинган одатларга риоя этиш ёхуд кейинчалик ўзлари келиб чиққан мамлакат суди қарорининг тан олиш ва ижро этилишини истаги мавжуд бўлса, ўзлари келиб чиққан мамлакат ҳуқуқини танлашлари мумкин.

Халқаро хусусий ҳуқуқ субъектлари фаолиятига нисбатан эрк мухторияти тамойилини амал қилиш доирасининг кенгайиб бориши, ўз навбатида иқтисодий нуқтаи-назардан ҳуқуқий муносабатларда кучсиз томон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тамойилининг ривожлантирилиши ва шу тамойил асосида коллизия тартибга солишга олиб келади. Қўлланиладиган ҳуқуқни танлаш эркинлиги амалда битим шартларини танлаш эркинлигини назарда тутишига қарамай, қоида тариқасида эрк

мухторияти томонлардан бирининг контрагент таклиф қилаётган шартларга рози бўлиш ҳақидаги қарорига таъсир кўрсатувчи ижтимоий-иқтисодий шароитларни эътибордан соқит этади. Хусусан, Ф.Покарнинг таъкидлашича, “Халқаро хусусий ҳуқуқда мумтоз коллизия нормалар субъектларнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволига нисбатан бетарафлик хусусиятига эга бўлади ва фақат қўлланиладиган ҳуқуқни белгилаш учун хизмат қилади. Замонавий халқаро хусусий ҳуқуқ доктринаси сўнгги вақтга келибгина коллизия нормалар уларнинг асосида танланадиган моддий-ҳуқуқий нормаларнинг мазмунига эътибор бера бошлади.

Субъектларнинг ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган у ёки бу турдаги ҳуқуқлари ҳимоя қилиш талаб этиладиган шахсларнинг бир неча тоифалари мавжуд. Уларнинг орасида вояга етмаган шахслар ва муомала лаёқати чекланган шахслар алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу тоифадаги шахслар турли давлатларнинг қонунчилигида ҳуқуқий муносабатларнинг деярли барча турларида ҳимоя қилинади. Бундан ташқари, иқтисодий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда нисбатан ночор аҳволда бўлган шахслар тоифалари ҳам мавжуд. Улар жумласига асосан истеъмолчилар киради. Халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш концепциясининг акс этиши фақат сўнгги ўн йилликдагина намоён бўлган тенденция ҳисобланади. 1955 йилдаги “Товарлар халқаро олди-сотдига нисбатан қўлланиладиган қонун тўғрисида”ги Гаага конвенциясида истеъмолчилар иштирокидаги шартномаларга оид бирон-бир махсус қоида назарда тутилмаган. Бу ҳол қисман шу билан изоҳланганки, ўша вақтда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш концепцияси эндигина ривожлана бошлаган ва ҳатто миллий қонунчиликлар даражасида ҳам кенг тарқалмаган. Конвенция муаллифларининг фикрига кўра, халқаро олди-сотди шартномаларида ҳам уларда истеъмолчиларнинг иштироки назарда тутилмаган.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга мисол тариқасида “Фуқаролик ва тижорат низолари юрисдикцияси ҳамда уларга доир суд қарорларини мажбурий ижро этиш масалалари тўғрисида”ги Брюссель конвенцияси (1968 йил) келтириб ўтиш мумкин. Мазкур Конвенциянинг 13-моддасида шунга ўхшаш изоҳ назарда тутилган. Шу ўринда мазкур изоҳ 1978 йилда кенгайтирилганлиги ҳамда истеъмолчилар иштирокида товарлар билан олди-сотдини амалга ошириш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ ҳар қандай шартномаларга нисбатан конвенция қоидалари миллий қонунчиликнинг императив нормалари билан тўқнашмаслиги мустаҳкамланган. Қўлланиладиган ҳуқуқни танлаш масаласида истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги алоҳида қоида биринчи бор Австриянинг “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги Федерал қонунининг 41-моддасида назарда тутилган.

Амалдаги халқаро конвенциялар ва миллий ҳуқуқий ҳужжатларнинг аксарияти истеъмолчилар

иштирокидаги шартномалар учун алоҳида ҳуқуқий режим тақдим этади. Шу ўринда миллий коллизия ҳуқуқ ҳозирги вақтда кучсиз томон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тенденциясини ўзида тўлиқ акс эттирмаслиги, тўғрисидаги фикрларга қўшилиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1189-моддасига кўра “Шартнома, агар қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тарафларнинг келишувига кўра танланган мамалакат ҳуқуқи билан тартибга солинади. Шартнома тарафлари қўлланиладиган ҳуқуқни умуман шартнома учун ҳам, унинг алоҳида қисмлари учун ҳам танлаб олишлари мумкин. Қўлланиладиган ҳуқуқ тарафлар томонидан шартнома тузилиётганда ҳам, ундан кейин ҳам исталган вақтда танланиши мумкин. Тарафлар, шунингдек исталган вақтда шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни ўзгартириш тўғрисида келишиб олишлари мумкин”.

Субъектлари чет эл элементи билан мураккаблашган меҳнат муносабатларига нисбатан эрк мухторияти тамойилини қўлланиш доираси кенгайди. Халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасида ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги масала нисбатан яқинда пайдо бўлган. Меҳнат муносабатлари соҳасида махсус коллизия тартибга солишнинг мавжуд эмаслиги, аксарият ҳолларда ушбу масалани ечишнинг муамолиги билан изоҳланади. Масалан, 1968 йилдаги Брюссель конвенцияси қоидаларининг қўллаш тўғрисидаги ҳисоботда “меҳнат муносабатларига нисбатан махсус юрисдикцияни бериш масаласи кенг муҳокама қилинган бўлсада Конвенция нормалари қаторига юқорида зикр этилган сабабларга кўра руҳсат этилмаган”.

Меҳнат шартномаларида қўлланиладиган ҳуқуқни танлаш тўғрисидаги айрим қоидалар биринчи марта 1978 йилда Австрия қонунчилигида назарда тутилган. Шунга ўхшаш қоидалар “Шартнома мажбуриятларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисида”ги Конвенциянинг 6-моддасида, Швейцариянинг “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги Федерал қонуни 121-моддасида, Квебек Фуқаролик кодексининг 3118-моддасида мустаҳкамланган.

Эрк мухторияти тамойилидан келиб чиқадиган қоидалар субъектлар ҳуқуқларини қўшимча тарзда ҳимоя талаба қиладиган кафиллик, пудрат шартномаси, ижара ва масафавий ўқиш шартномаларида ҳам қўлланила бошлади. Чет эл элементи билан мураккаблашган хусусий-ҳуқуқий муносабат субъектларининг эрк мухторияти асосида коллизия тартибга солиш масаласи замонавий халқаро хусусий ҳуқуқни кодификациялаш жараёнида ҳам сезиларли даражада таъсир ўтказган.

Муносабат субъектлари томонидан эрк мухторияти тамойилини кенг доирада қўлланилиши натижасида улар ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятига эга бўлди ҳамда қўлланиладиган ҳуқуқни танлашни эркинлаштириш тенденциясини мустаҳкамлади. Томонлар қўлланиладиган ҳуқуқни танлашда ўз мақсадлари, эҳтиёжлари ва таваккалчи-

ликларни ҳисобга олган ҳолда ҳаракатларни амалга оширади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ бўйича қабул қилинган сўнгги қонунларда қўлланиладиган ҳуқуқни танлаш қоидалари деликт мажбуриятлар, кўчар мулк ва йўлда бўлган кўчар мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқларни коллизия тартибга солишда ҳам фойдалана бошлади.

Мазкур қоида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1187-моддасида ҳам назарда тутилган. Болгария “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги Кодексининг 113-моддаси 1-бандига мувофиқ “шартномадан ташқари муносабатдан келиб чиқадиган мажбурият юзага келганда томонлар ушбу мажбуриятни ўзлари танлаган ҳуқуққа бўйсундиришлари мумкин”. Бельгиянинг “Халқаро хусусий ҳуқуқ кодекси тўғрисида”ги Қонунининг 104-моддаси, 2-бандига кўра, “тарафлар низо юзага келганидан сўнг тегишли шартномадан ташқари муносабатга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни танлашлари мумкин; танлаш аниқ ифодаланиши лозим ва учинчи томон ҳуқуқларига дахл этиши мумкин эмас. Озарбайжон Республикасининг “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги Қонунининг 22-моддасига мувофиқ “мулк ҳуқуқи ва йўлда бўлган кўчар мулкка нисбатан ашёвий ҳуқуқлар, агар томонлар келишувига биноан бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мол-мулк етказиб берилган мамлакат ҳуқуқи билан белгиланади. Украинанинг “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги Қонунининг 39-моддаси, 2-моддасида мустаҳкамланган қоидага мувофиқ, “мулк ҳуқуқи ва битим предмети ҳисобланадиган бошқа ашёвий ҳуқуқларнинг юзага келиши ва тугатилишига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ, агар томонлар келишувига биноан бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ белгиланади”.

Хулоса

Турли давлатларнинг халқаро хусусий ҳуқуқ докторинаси ва амалиёти субъектларнинг шартномага нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқни ўзи белгилаш йўли орқали эгилувчан коллизия тартибга солиш йўлидаги биринчи қадам бўлган. Ҳозирги вақтда томонлар эрк мухторияти тамойили кўпгина универсал ва минтақавий халқаро шартномаларда, турли давлатларнинг қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган, тегишли ҳуқуқ тизимларида прецедентлар даражасида тан олинади.

Эгилувчан коллизия тартибга солиш тенденциясининг таҳлили халқаро хусусий ҳуқуқнинг ривожланиш жараёни ўз-ўзидан янги коллизия тамойилларнинг ривожланишига олиб келади. Бугунги кунда коллизия нормаларни қайтадан таҳлил этиш, янги ёндашувлар асосида такомиллаштириш ва уларга янада ривожлантириш амалга оширилмоқда. Фикримизча, мазкур жараёнларга ўтиш жараёнларга бир коллизия тамойилларни бошқаси билан алмаштириш нуқтаи-назаридан ёндашиш тўғри бўлмайди. Мазкур жараёнлар замирида қонунчилик ва суд тизимини ислоҳ қилиш билан боғлиқ глобал омиллар ётади. Ўз навбатида бундай ислохотлар

айрим давлат доирасида ёки дунё миқёсида юз бераётган сиёсий ва иқтисодий жараёнлар билан белгиланади. Чет эл элементи билан мураккаблашган хусусий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган коллизия масалаларни ҳал этишда қўлланилиши мумкин бўлган янги коллизия тамойиллар пайдо бўлиши, кенг тарқалиши ва тан олиниши яқин келажакда янада долзарб аҳамият касб этади.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Sh.Mirziyoyev. "O'zbekiston Respublikasi Majlis va O'zbekiston xalqiga Murojaatnomasi" -2022. y
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyevning 2017-yil 22 dekabrda O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisiga yo'llagan murojaatnomasi. <https://www.xabar.uz>
3. Ruckteschler, D., & Stooss, T. (2019). International commercial courts: a superior alternative to arbitration?. *Journal of International Arbitration*, 36(4).
4. Movsesian, Mark L. "International Commercial Arbitration and International Courts." *Duke J. Comp. & Int'l L.* 18 (2007): 423.
5. Wilske, Stephan. "International Commercial Courts and Arbitration Alternatives, Substitutes or Trojan Horse." *Contemp. Asia Arb. J.* 11 (2018): 153.